



ЎЗИМИЗ ЎТИРГАН ШОХНИ КЕСМАЙЛИК

Яқинда бир сабаб билан ёзувчи Нурали Қобул ижодхонасига бордим. Тўрт киши гаплашиб ўтиргандик, шу чоғ кимдир эшик қоқиб кепқолди. Нурали ака у кишини ҳам бизни кутиб олгандек ичкари олди. Диванга таклиф қилиб, қишнинг қаттиқ совуғида дийдираб келган меҳмон қўлига бир пиёла чой тутқазаркан, бизни у кишига, у кишини бизга таништирди. Менинг ёнимда Хондамир Қодирий ўтирарди, Нурали ака:

– Бу киши Қодирийнинг набираси – Хондамир Қодирий бўладилар! – деганда меҳмоннинг авзойи бирдан ўзгарди, кўзлари ёшланиб, лаблари титради.

– Қодирий... Қодирийнинг невараси!.. – дея олди холос, у, бир Яратганга у бир ўзигагина аён туйғуларга фарқ бўлиб.

Озроқ суҳбатлашгандан сўнг келган меҳмон хайрлашиб чиқаркан, “Абдулла Қодирий!” дея Хондамир акага яна бир карадио, бояги кўйга тушди: лаблари титради, юзлари оловланди, кўз-соққалари ёшга тўлди.

Бу – меҳмоннинг Қодирийга бўлган самимий муносабати эди. Ҳамда бу муносабатда унинг яхши кўриши, армони, чексиз миннатдорлигию юрагининг ачишиши – ҳамма-ҳаммаси мужассам эди гўё. Шунингдек, ўзбек элининг Қодирийга бўлган муносабати ҳам “манаман” дея кўкрак кериб турарди.

Ҳа, ўзбек эли – туркий эл Қодирийни тахминан шундай севади: у сўзамоллик қилмаслиги, буни эплай олмаслиги мумкин, лекин титроқ лабла-

рию ёшга тўла изтиробли кўзлари билан мислсиз меҳрини ўз юрагидан кечиради – бошидан ҳам.

Хўш, нега?

Чунки Абдулла Қодирий миллатнинг бир парчасига, керак бўлса, ҳар бир оиланинг битта аъзосига, меҳр ва муҳаббатининг ҳадафига айланиб кетган. Шунинг учун ҳам, орамизда Отабеклару Анварлар, Кумушлару Раънолар кўп. “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” қаҳрамонларига ҳавасдан қўйилган отлар булар. Улуғ Навоийнинг Фарҳоду Ширинидан бошқа яна қайси бир ёзувчи яратган қаҳрамонларнинг исмлари эл орасида бунчалар машҳур, бир ўйлаб кўринг! Исмлар шунчаки қўйилмайди. Севганидан, эргашганидан, ҳавас қилганидан ўғил-қизларининг ўшандайин инсонлар бўлишини орзу қилганидан қўйилади. Қаҳрамонларни “ландавур”, “лапашанг” деб ўйлаганида қўймас эди. **(Давоми 6-7-саҳифаларда)**



ТАРҒИБОТ ТАЪСИРЧАН, ТАШВИҚОТ САМАРАЛИ БЎЛМАСА...

Ҳар қандай мафкуранинг моҳияти, ғоянинг кучи тарғибот ва ташвиқотнинг самарали ва таъсирчан бўлишига боғлиқ. Давлатимиз раҳбари қаерда, қайси соҳа вакиллари билан учрашмасин, учта тушунчага алоҳида эътибор қилиб, шуни талаб этадилар. Бу – сифат, самара ва натижадорликдир.

Халқ хўжалигининг барча жабҳаларида ана шу учта тушунча бўлмаса, ҳаракатлар беҳуда, тараққиёт ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Президентимиз кўп йиллар мобайнида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг раиси сифатида маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш борасида кўпгина топшириқ ва кўрсатмалар бериб келишлари ҳаммамизга маълум. Буни маънавиятга берган таърифларида ҳам билишимиз мумкин.

Илк таърифлари шундай: “Маънавият энг таъсирчан ва қудратли қуролимиз.” Дарҳақиқат, ғоявий мафкура омма онгига тез, содда, аниқ, раван ва таъсирчан сингдирилмаса унинг моҳияти бўлмайди, қудратли қурол бўлиши ҳам амри маҳол. Тарғиботчи нотик ана шу томонларни эътиборга олган ҳолда иш тутиши мақсадга мувофиқ. Ҳазрат Навоийнинг “Одамнинг таъби сўз билан, сувнинг таъми муз билан, таомнинг таъми туз билан” дейишларида жон бор. Демак, тарғиботнинг таъсирчанлиги кўп нарсага боғлиқ.

Бунинг уддасидан чиқа оладиган тарғиботчи нотикларни шакллантириш масалага ечим бўла олади. Халқимизнинг “Сўздан сўзнинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор” деган нақлини биласиз. Бу фақат сўзга эмас, балки сўзловчига ҳам тааллуқли. Нотиклик санъатининг муҳим мезони кимга, нима ҳақда, қачон, қаерда, қандай қилиб ва энг муҳими, қанча айтишни билишдир. Тарғиботчи-нотикларнинг аксарияти ана шу оддий қоидага амал қилавермайди. Натижада тингловчилар оммасини зериктиради, бездиради, оқибатда қўйилган мақсад тескари пропорционал реакция беради. Шунинг учун ҳам стратегия олдинга қўйилган мақсад бўлса, уни амалга ошириш учун қўлланиладиган йўл, восита ва турли услублар тактикадир. Айтиш мумкинки, тил тактикаси – тараққиёт стратегиясининг таъсирчан механизмидир. **(Давоми 4-5-саҳифаларда)**



ЧЕККА БИР ҚИШЛОҚНИНГ ЧЕККА УЙЛАРИ... МУАММОЛАР ГИРДОБИДА

Қурилиш – Паст даргом ва Нуробод туманларининг чегарасидаги Қоқсой маҳалласида жойлашган қишлоқ бўлиб, 2700 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Туман маркази Жума шаҳридан 30 километр узоқдаги қишлоқ одамларининг асосий тирикчилиги – чорвачилик ва деҳқончилик.

Йиллар давомида зарур инфратузилмага эга бўлмаган қишлоқ одамлари йўлларнинг тор ва нотекислиги, таълим, тиббиёт каби ижтимоий соҳа муассасаларидаги ҳаминқадар шароитлардан, электр энергияси ва суюлтирилган газ таъминотидаги узилишлардан, йўлларнинг қишда лой, ёзда чанг бўлиши оқибатида транспорт ҳаракати чекланишидан азият чекиб, яшаётган эди. **(Давоми 3-саҳифада)**

ПАХТА ЕТИШТИРУВЧИЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бири саналади. Охириги йилларда юртимизда барча соҳа ва тармоқлар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам туб ислохотлар амалга оширилмоқда.

Соҳани ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор, берилаётган имтиёз ва енгилликлар сабабли ушбу тармоқ ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси билан юртимиз таракқиётида тобора муҳим ўрин эгалламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 декабрдаги «Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ушбу соҳадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Мазкур ҳужжат, аввало, пахта хомашёсини етиштирувчи хўжаликларнинг маҳсулотни сотишда эркинлигини кафолатламоқда. Яъни эндиликда, пахта хомашёсини етиштирувчи ва кластерлар ўртасидаги пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича фьючерс шартномалари биржада ҳар бир ҳудуд бўйича алоҳида ўтказиладиган савдолар натижаларига кўра эркин тузилади.

Фармонга биноан фермерларга маҳсулотларни етиштириш бўйича имтиёзли кредитларни тўғридан-тўғри олиш ва ҳудуддаги исталган кластерлар билан шартнома тузиш ҳуқуқи ҳам берилди. Бу билан 2024 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёсини етиштирувчилар ва пахта-тўқимачилик кластерлари ўртасида муносабатлар янги тартибда ташкил этилади.

Фермер пахта толаси бошланғич нархини Нью-Йорк биржасидаги охириги 12 ойдаги ўртача нархи асосида белгилаши ва шартномадан ортқча етиштирилган пахта хомашёси ёки ундан олинадиган бирламчи ва иккиламчи маҳсулотларни тўғридан-тўғри фьючерс шартномаси тузган кластерга ёки биржа орқали исталган субъектга сота олиши яна бир муҳим янгиликлардан

биридир. Бу орқали фермерлар ўз маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга кўпроқ маблағ сарфлаш орқали мамлакат иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади.

2024 йил ҳосилидан бошлаб фермер ва кластерларга пахта хомашёсини етиштириш ва якуний ҳисоб-китоблар учун Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратиш жорий этилиши ҳам соҳа вакилларининг айна дилидаги гап бўлди. Бу шубҳасиз, фермерга фаолияти учун зарур ўғит, ёқилғи, ўсимликлар химояси воситаларини ва бошқа маҳсулотларни харид қилиш ҳамда механизация каби хизматлардан фойдаланиш бўйича мутлақ эркинликни беради.

Фармон билан кластерлар ва бошқа тўқимачилик корхоналари томонидан пахта хомашёси тўлиқ электрон тарози орқали қабул қилиниши борасидаги талаб ҳам яратилаётган қулайликлардан бири. Чунки ҳудудларда аксарият фермер хўжаликлари раҳбарлари пахта қабул қилиш масканлари моддий-техник базаси эскиргани, ҳалигача эски усулда пахта қабул қилиниши ва бу уларга бир қанча ноқулайликлар келтираётгани ҳақида мурожаатлар қиларди.

2024 йил ҳосилидан пахта етиштириш, пахта йиғим-терими ва харидини Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштириш тартиби ҳам жорий этилади.

Хусусан, фьючерс шартномаси тузган етиштирувчи ва уруғчилик субъектларига ҳар йили 1 октябрдан, пахта етиштириш учун пахта қийматининг 60 фоизгача йиллик 10 фоизда 14 ойга, пахта хариди бўйича якуний ҳисоб-китоб учун пахта қийматининг 80 фоизгача йил-



лик 10 фоизда 10 ойга, шу жумладан 6 ойлик имтиёзли давр ва охириги 4 ой давомида тенг улушларда қайтариш шarti билан кредит берилади.

Ижара ҳуқуқи мавжуд бўлган ер участкасида пахта етиштириш учун пахта қийматининг 60 фоизгача йиллик 10 фоизда 24 ойга, ижара ҳуқуқи мавжуд бўлган ер участкасида етиштириладиган пахтанинги йиғим-терими учун эса пахта қийматининг 20 фоизгача йиллик 10 фоизда 12 ойга кредит ажратилади.

Умуман олганда, бугун қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бермоқда. Фермерлар, кластерлар учун зарур шароитлар, қулайликлар яратилмоқда. Мазкур фармон ушбу соҳада шаффоқликни кучайтириш билан бирга, қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Бегали ҚОДИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Аграр ва сув хўжалиги масалалари
қўмитаси аъзоси

Мулоҳаза

Ҳа, ахлатхона. Мен шундай тасаввур этаман. Унда унга боғланиб нима қиласиз, деб ўйлашингиз мумкин. Ахлатхоналиги шундаки, инсон тарбиясига зид кўрсатувлар, афсуски, ўйламадан ёритилаётганидир. Айниқса, тиббиёт соҳасидаги эълон ва рекламалар ортида товламачилик, халқни алдаб пулини ўмариш каби иллатлар кун сайин кўпаймоқда.

Дунё бўйлаб қандли диабет хасталиги кескин ўсмоқда. Бу хасталикни ёшараётганлиги янада хавфлидир. Экооламнинг бузилиши, sanoat корхоналарининг аёвсиз ҳавога захарли тутун пурқаётганлиги, қолаверса бензиндан ташқари метан, пропан каби захар чиқарувчи автоуловларнинг кўплиги атмосферани бўлгаётганлиги чин. Иссиқхоналарда етиштирилаётган турли сабзавот маҳсулотларига ўткир захарли дорилар сепилиши инсон организмни емираётгани ҳам бор гап. Диабитни даволаш канали эндикронлиги Умиджон Шоюсуповнинг беморларга Алхайдия, Деабитик форте ёхуд «No diabet» каби қўлбола дориларни мутлақ истеъмом қилмаслик кераклигини, бунинг

ИНТЕРНЕТ АХЛАТХОНА...МИ?

қанд касаллигига фойдаси йўқлиги ҳақидаги фикрлари очикланди. Шу ўринда айтиш керакки, мамлакатимизда тиббиёт маданияти деярли йўқлиги сезилиб қолди. Халқимизнинг ишонувчанлиги янада панд бераёттир. Одамларни огоҳлантиришга чақирувчи кўрсатувлар ҳар куни керак. Аммо Умиджон айтган қўлбола воситалар интернет тармоқларида ҳар куни бўй чўзиши ўта хавфлидир. Бемор бечора емай-ичмай бир пулга қиммат ўша дориларни жуда катта микдорда, яъни бир-ик-

ки миллионга сотиб олишмоқда. «Гуанжоу» фожиаси ҳали тинган эмас. Энг ёмони улар мижозларни алдаб интервьюлар олаётгани найрангбозликдан ўзга эмас. «Бу дориларнинг қўлбола деб кўринг-чи»? Дарров ССВдан олинган сертификатни бурнингизнинг тагига тикади. Яна интернетни ахлатхоналиги шундаки эротик фильмларни намойиш қилаётган каналлар ўрчиб бормоқда. Масалан, «Таржима», фильмлар шарҳи, «Ростданми?»,

«Қисқа фильмлар шарҳи» ва шунга ўхшаш айрим каналларнинг беор, беномус эгалари «ҳиссаси» юз чандон ошмоқда. Гоҳо фоҳишаларнинг жирканч қилиқлари, шармандали сўзлашувлари эълон қилинаётгани аянчилидир. Ўзбекистон ЖК порнография оид маҳсулотларни тарқатиш бўйича моддалар мавжудки, тегишли идоралар томонидан суриштирув ишлари олиб борилиши керак. Уларни аниқлаш унча қийинмас. Ва бошқа шу каби ёш авлод тарбиясига терс таъсир қиладиган каналлардан эҳтиёт бўлинг. Россия-Украина урушини бир ёклама ёритаётган каналлар ҳам бижғиб кетган. Бунақа каналларнинг ўзбек тилида олиб борилишидан мақсад нима? Ё уларга товон тўловчилар девор ортида гиж-гижлаптимикан? Хуллас, бундай номақбул, бемаъни кўрсатувларни томоша қилишдан ўзингизни асранг. Керакли маълумотларни бемалол топсангиз, бўладику?!

Ўроз ХАЙДАР,
Ўзбекистон ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

ЧЕККА БИР ҚИШЛОҚНИНГ

ЧЕККА УЙЛАРИ... МУАММОЛАР ГИРДОБИДА



(Бошланиши 1-саҳифада)

Кейинги йилларда маҳаллада одамларнинг муносиб турмуш кечирishi учун керакли шароит яратилмоқда. Қурилиш-ободонлаштириш ишлари маҳалла киефасини ўзгартириб, аҳолининг неча йиллик муаммоларини ҳал қилмоқда.

Маҳалламизга олиб борувчи йўлда йирик хажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, – дейди Қоксой маҳалласи раиси Саодат Жуманова. – Қарийб 7 километр масофадаги йўл асфальт қилинди. 11 та кўчанинг 7 тасига тош тўкилиб, 2 таси асфальт бўлди. Кўчалар ва ариқлар, тураржой бинолари, ижтимоий соҳа объеклари атрофи тартибга келтирилиб, ободонлаштирилмоқда. Ўтган йили 95-умумтаълим мактаби учун 185 ўринли қўшимча бино барпо этилди. Алоқачиларнинг 2 та мобиль алоқа антенналари ўрнатиши натижасида бу борадаги муаммо ҳам ҳал этилди.

Бироқ маҳаллада ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар кўп. Жумладан, Қурилиш қишлоғида ичимлик суви муаммоси охиригача ҳал бўлмаган. Деярли ҳар бир хонадонда артезиан кудуқлари бор. Марказлашган ичимлик суви кудуғидан атрофдаги бир-иккита хонадон ва мактабга сув бораркан. 120 хонадонли «Қурилиш-3» қишлоғида ҳам марказлашган ичимлик суви йўқ. 5,5 километр ичимлик суви қувурлари тортиш зарур.

Маиший газ баллонлари келмаганига 52 кун бўлди, – дейди опа. – Аҳоли ҳар куни келиб: «Газ баллон келмадимиз?» – деб ҳоли-жонимга қуймайди. Кунига туман газ таъминоти идорасига қўнғироқ қиламан. – Эрта борамиз, индин борамиз, – деб жавоб беришади. Охирги марта шу йилнинг 2 октябрида келиб тарқатилган эди. Аҳолига газ баллонлари етишмайди.

Маҳалла аҳлининг 280 нафардан зиёд боғча ёшидаги фарзандлари бор. Лекин 2 та хусусий боғчада бор-йўғи 50-60 та бола қатнайди. Маҳалладагилар бир неча бор туман ва вилоят ҳокимлигига давлат-шериклик асосида боғча қуриб беришларини сўраб, мурожаат қилишган бўлса-да, ҳали жавоби йўқ.

Режага асосан маҳаллага 70 тонна кўмир ажратилган экан. Бироқ эндигина 4,5 тоннаси ўз эгаларига етиб борган экан. Нима учун камлигини сабабини сўраганимизда, келаётган кўмирнинг майдаланиб, кукунга айланаётганини айтишди.

– Очиғи, бу кўмирни ёқишга қўрқамиз, неваралар бор, – дейди 70 ёшли Розия она. – Майда кўмир яхши ёнмайди, тутаб кетади. Исгази жуда хавфли бўлади. Ёз ойларида анча-мунча маҳаллий ёқилғи – тезак ва ўтинни ғамлаб қўйганмиз. Қолаверса, айрим тадбиркорлар машинада кўчаларни айланиб Қозғистон кўмирини бир килограммини 1400-1500 сўмдан сотиб юрибди. Шулардан оламиз, қимматликка қимматку-я, лекин нима қилайлик, анча хавфсиз-да.

Қишлоқда жойлашган 180 ўринли 95-умумтаълим мактабида ҳам кўпгина хайрли ишларга кўзимиз

часи ҳам шу филиалда жойлашган.

– Зарур ҳолларда 5-10 дақиқада «Тез ёрдам» машинаси етиб келади, – дейди С.Жуманова. – Лекин 7-8 минг аҳоли яшайдиган худудга камлик қилади. Ўтган йили маҳалламизга ҳомиладор аёллар кўриги ва болаларни эмлаш учун жиҳозланган вагон – мини поликлиника ўрнатиб, патронаж ҳамшира ажратишди. 2-3 йил илгари қишлоғимизга



республика ва вилоят шифохоналари ва тиббиёт марказларидан тажрибали шифокорлар келиб чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказишган эди. Кўпчиликка маъқул келган ана шундай кўриқларни ўтказиб туришса яхши бўларди.

Маҳаллада 1398 нафар хотин-қиз яшайди. Маҳалла хотин-қизлар фаоли Ш.Ёздонова уларнинг саломатлиги, оилавий ва ижтимоий аҳволидан хабар олиб туради.

– Ўтган йили 48 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилган эди, дейди Шоира Ёздонова. – Етти нафар аёлга оиласи билан деҳқончилик қилиши учун 30 сотихдан ер ажратилиб, артезиан кудуқ казиб, сув чиқаришлари учун имтиёзли кредит ажратиб бердик. Уч нафарига иссиқхонага, 2 нафарига паррандачилик билан шуғулланишлари учун кредит маблағи берилди.

«Дафтар»га киритилган Гулчехра Рўзиева иссиқхонада помидор кўчатлари етиштириш билан шуғулланади. Жорий йил баҳорда 500 минг тўп кўчат етиштириб, аҳолига арзон нархларда сотди.

– Ҳар йили бозордан кўчат олиб

келиб экиб деҳқончилик қилардик, – дейди Г.Рўзиева. – Сув етмаслиги сабабли тез қуриб, кўп харажатга тушар эдик. Иссиқхона курганимиз сабабли энди кўчатўзимизда бор. Ортганини кўни-кўшниларга ҳам улашяпмиз.

Маҳаллада 12 нафар ногиронлиги бўлган ва боқувчисини йўқотган, шунингдек, 4 нафар ногирон фарзанди бўлган аёллар бор. Турли байрам ва сайилларда уларга озик-овкат маҳсулотларидан иборат совға-саломлар улашилади.

Маҳалла аҳлининг энг катта муаммоларидан бири – электр энергиясининг мунтазам ўчиб туриши экан. Ҳатто маҳаллага кириб борганимизда ҳам электр йўқ эди.


– Ҳар куни шу ахвол, – дейди қишлоқ оқсоқолларидан бири Абдумурод бобо. – Ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган симёғочларнинг 80 фоизи аллақачон ўз вазифасини ўтаб бўлган. Камига ўнлаб қўлбола устунлар ўрнатилган. Бутун бошли қишлоғимизда биттагина трансформатор ишлаб турибди. Йилдан-йилга аҳоли ва хонадонлар сони ошиб борапти. Лекин трансформатор ўзгаргани йўқ. Сал шамол кўтарилса, юклама ошиб, дарров ўчиб қолади. Бугунги кунда 170 дан зиёд бетон устун ва 1 та қўшимча трансформатор керак бўляпти.

Маҳалла марказида ҳам иситиш тизими ўрнатилмаган. Хавфли бўлса-да, электр печ қўйилган, у ҳам етарлича иссиқ бермайди. Хоналар совуқлигидан ўтириб ишлаб бўлмайдими?

Дарвоқе, биз маҳаллага кириб борганимизда кун жуда совуқ бўлиб, ҳарорат – 8...– 10 даражани ташкил қиларди. Дарахтларда ноёб табиий ходиса – булдуруқ тушганига гувоҳ бўлдик. Дов-дарахтлар, ўт-ўланлар худди қиров қоплагандек оппоқ эди. Маҳалла оқсоқолларининг айтишича, бу баракадан дарак берар экан. Ростдан ҳам баракали бўлиб, келгуси йилда бу маҳаллада ҳам инсонлар кадр-қиммати янада эъзоз топиб, барчанинг бирдек яшаши учун кўрсатилаётган бекиёс ғамхўрликларга сабаб бўлар.

Дилмурод ТЎХТАЕВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ.





ТАРҒИБОТ ТАЪСИРЧАН, ТАШВИҚОТ САМАРАЛИ БЎЛМАСА...

(Бошланиши 1-саҳифада)

Бу ўз навбатида психоллингвистик усулларни ва нейролингвистик усулларни ўз ичига олади. Булар эса ўз навбатида маънавиятнинг таъсирчанлиги билан боғлиқ масалалар. Президентимизнинг иккинчи таърифи: “Иқтисодиёт жамият ҳаётининг танаси бўлса, маънавият унинг жони ва руҳидир”. Тирликнинг белгиси жон, тана ва руҳ бирлигидан иборатдир. Демак, улар ўзаро уйғун бўлгандагина воқеликни аниқ кўрамиз, баҳолаймиз, муносабат билдирамиз. Акс ҳолда, бепарқ кимса лоқайд, гафлат бандаси — эл-юрт шармандасидир. Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси бўлмаган, фуқаролик бурчини англамаган инсонга бошқача таъриф бериш ортиқча. Бундай кимсаларда оила қайғуси ҳам, ватан туйғуси ҳам бўлмайди. Қорнимдан бошқа қариндошим йўқ дея, ўз кунини ўтказаверади. Жон ва руҳсиз тана — оддий жасад, бошқача айтганда, ўликдир.

Маънавият ва моддият жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи, одамзоднинг кўш қаноти бўлгани боис Президент улар орасидаги боғлиқликни ҳис этгани ҳолда ҳар йили маънавий-маърифий ишлар учун катта миқдорда пул ажратаётганлари ҳам бежиз эмас.

Учинчи даъваткор таъриф жорий йилнинг 22 декабр куни Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида қайд этилди. “Маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак”. Дарҳақиқат, Президент эътироф этганидек маънавият доим юқорида туради. Маънавиятнинг илдамлиги, унинг байроқ ва маёк экани ва бошқарувчи кучини ҳис этмаслик мумкин эмас.

Шунинг учун ҳам, мен “Сўзлаш маърифатдан, тинглаш маданиятдан, англаш эса маънавиятдандир, — деган иборамни бот-бот такрорлашдан зерикмайман. Бу сезгир ва огоҳ одамда кўз, кулоқ ва миянинг

доим ишлаб туриши, сергак юракнинг уриб туришига ишора. Халқ ва ватаннинг ободлиги — инсон ва маконнинг озодлигидан.

Президент раислигида маънавият ва маданият фаоллари, адабиёт ва санъат намояндалари, шунингдек, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси вакиллари, вазир ва ҳокимлар иштирокида ўтган Кенгаш ҳам маънавият, маданият ва санъат масалаларига оид кўплаб муаммоларни ҳал этишда мотивацион руҳ ўйнади десак, асло хато бўлмайди.

Айниқса, ушбу ҳаракатларнинг иқтисодий асоси ўрнида бу йил ижтимоий соҳага энг кўп — 134 триллион сўм маблағ ажратилгани, 2016 йилга қараганда 5,6 баробар зиёд экани таъкидланди.

Ҳар бир замон ва маконнинг ўзига яраша муаммолари бўлгани каби ўта зиддиятли жараёнларнинг таъсири мамлакатимизда ҳам сезилаётгани эътироф этилди. Давлатимиз раҳбари 9 та йўналишда ўз фикрларини билдириб, муҳим ташаббусларни илгари сурди. Фаолиятимизга бевосита дахлдор бўлган Президент эътиборини қаратган баъзи масалалар ҳақида мулоҳазалар билдирмоқчимиз.

Бугун жаҳон микёсида тараккиёт суръатлари мисли кўрилмаган даражада шиддатли тус олмақда. Айни вақтда азалий кадрятлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар тизи мида чуқур трансформация жараёнлари юз бермоқда.

Президент бу борада огоҳликка чорлаб шундай деди: “Илгари ўз мақсад ва манфаатларини асосан дипломатия ва сиёсат билан ҳимоя қилган дунёдаги қудратли марказлар энди очикчасига босим ўтказиш, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар йўлига ўтганига ҳаммамиз гувоҳимиз. Афсуски, бундай кенг қўламли ва ўта зиддиятли жараёнларнинг таъсири Марказий Осиё минтақаси ва унинг таркибий қисми бўлган мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Ана шундай ғоят мураккаб ва таҳликали вази-

ятда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган тўғри йўлни топиш албатта осон бўлма-япти”.

Демак, даврга ақл кўзи билан қараб, ҳар хил таъсирларга берилмасдан оқилона ёндашиб тўғри хулоса чиқариш бу мамлакатимиз осойишталигига дахлдор масала экани уқтириляпти.

Тарих сабоқ, ибратдир. Ундан тўғри хулоса чиқазиш, йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик керак. Президент ўз нутқида бугунги кунларни орзу қилган миллат дарди, халқ озодлиги, унинг маърифатли бўлиши учун жидду жаҳд этган, ҳатто жонини қурбон

ди шу маънода катта аҳамият касб этгани рост. Бу борада давлатимиз раҳбарининг маърифатпарвар аждодлар мероси бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши ҳақидаги мулоҳазалари муҳимдир.

«Бу кимгадир ёқадими ёки йўқми, халқимиз жадид боболаримиз кўрсатиб берган йўлдан оғишмай бориши керак. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир», — деди қатъий тарзда Президент.

Бу ҳақ гап. Шунинг учун ҳам Бухородаги тарихий масканда Жадидлар мероси давлат музейи очилиши ва «Жадид» номли янги газета ташкил этилиши ҳақидаги

Ана энди бошдан дўппини олиб, озроқ ўйлайлик. Ахир, турк қардошларимиз ЮНЕСКО рўйхатига киритган номоддий маданий мерос дейилган, объектлар бизда ҳам борку, айнан шуларнинг ўзи. Майли, энди уни қардошларимиз киритиб, улгурдилар. Чунки уларнинг Эрсойдек ватанпарвар, билимдон, ишнинг кўзини биладиган маданият ва туризм вазири ҳамда унинг атрофида худди ўзидек фидойи жамоаси бор.

қилган жадид боболаримиз ҳақида катта эҳтиром ва меҳр билан сўз очди. Улар меросини чуқур ўрганиш бугунги кундаги айрим глобал муаммоларнинг ечимига қалит бўлишини эътироф этди. Уларнинг қарашларини билган, бугунги дунё ютуқларини ўрганган, идрок этган ёшларни чинакам бунёдкор авлод дейишга ҳақлимиз.

«Мамлакатимиз ўз тараккиётининг янги, юксак босқичига қираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий кадрятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур», — дейди Президент.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яқинда пойтахтимизда ўтказилган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги конференция ҳам худ-

хушxabарни ҳамма олқишлади.

Энг муҳими, жадид маърифатпарварларининг қарашларида бугунги кунга дахлдор бўлган долзарб мавзуларни кўриш мумкин. Кенгашда Президент томонидан диққат қаратилган раҳбар етакчилар ижтимоий дунёқараши, маданий савияси, театр, кино ва мақом санъатини ривожлантириш, бахшилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, атлас-адрас, кулолчилик ва заргарлик мактабларини яратиш, креатив иқтисодиётни ривожлантириш, музейлар фаолиятини тақомиллаштириш, миллий сериаллар ишлаб чиқариш концепцияси, тасвирий ва амалий санъат соҳасини ривожлантириш, китоб мутолааси ва кутубхоналар, нашриёт ва матбаа корхоналарининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, моддий-техник базасининг

мустахкамланиши каби бир қатор масалаларни боғлаб турадиган, уларнинг тарғиботи ва ташвиқотига мезон бўладигани бу шубҳасизки, тил масаласидир. Шунинг учун ҳам, жаҳид маърифатпарварларини жиддий ўйлантирадиган энг муҳим муаммо бу, аввало, миллий тилнинг равнақи масаласи бўлган. Чунки тил масаласи бир қанча сиёсий жараёнлар билан ҳам боғлиқдир. Маҳмудхўжа Бехбудий бунга ўша пайтдаёқ эътибор қилиб шундай ёзганди: «...тил бирлигининг фойдалари жуда яхши маълум. Зеро, тил бирлиги дўстлик, муҳаббат, бир-бирига ёрдам ва жипслашувнинг асоси».

Бу фикр нафақат ўзлигини ва сўзлигини ифода этувчи халқимизга, балки туркий тилли ташкилотларнинг саммити ва ҳамкорлигига ҳам дахлдордир.

Шунинг учун ҳам, давлатимиз раҳбари Кенгашда ўзбек тили-

ўзбек тили бўйича халқаро фан олимпиадаси ўтказилиши, голиб ва совриндорлари пул мукофоти билан тақдирланиши ҳамда олийгоҳларга ўзбек тили филологияси йўналиши бўйича давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши масаласининг Кенгашда алоҳида урғуланиши тилпарвар ва элпарвар раҳбарнинг кучли иродаси, миллат етакчисининг ўз халқини бахтли ва рози қилиш борасидаги қутлуғ қадмларидандир.

Биз она тилимизнинг имкониётларидан, ифода воситаларидан унумли ва ўринли фойдалана олсак, тарғиботнинг таъсирчан кучидан фойдалана оламиз. Бунинг учун, тилни шунчалик ўрганиш эмас, балки унда яшаш, нафас олиш керак. Акс ҳолда, тилимиздан, таъсирчан нутқдан фойдаланиш асосида уни ўзимизга қарши қурол сифатида истифода этадиган ёт ғоя-ёв ғоя тарафдорлари ҳам бор-

Шу ўринда, буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг бир ҳикмати ёдга келади. Унинг «Душман мақолоти – банг хаёлоти» деган ҳикматида чуқур маъно бор. Душманнинг айтадиган таъсирли сўзи худди ақл-хушдан айирувчи банг чеккан кимсанинг ҳолатига ўхшайди демокчи. Сархуш банггини қаёққа етакласангиз кетаверади демокчи ҳазрат Навоий.

Тан олиш керакки, қабиҳ ниятли экстремистик кайфиятда бўлган ёт ғоя тарафдорларининг «ёқимли» ва «юқумли» сўзлари таъсирига тушиб адашган ёшларимизнинг фожиасида бизнинг – тарғиботнинг таъсирчан механизми бўлган коммуникатив компетентликни, нутқ маҳоратини, нотиклик санъатини чуқур эгалламаганимизнинг таъсири бор. Бу аччиқ ҳақиқат, албатта. Матбуот нашрлари, телевидение, радио кўлимизда бўла туриб биз таълимий-тарбиявий тарғибот

кунда ижтимоий тармоқлар орқали асосан четдан, баъзан, ҳатто, мамлакатимизнинг ўзида ҳам Конституция ва қонунларимизга зид позициялар илгари сурилаётгани, жумладан, диний эътиқод никоби остида ёшларни маърифатга эмас, жаҳолатга ундаш ҳолатлари пайдо бўлаётгани таъкидланди.

Бундай вазиятда жамиятимизда жаҳолатга қарши маърифат билан курашишни кучайтириш, эҳтиёткорлик ва огоҳликни ошириш лозимлиги таъкидланди. Бу нохуш ҳолат менинг кўчамда эмас, бизнинг маҳаллада эмас дейиш бефарқликдир. Лоқайдлик эса барча иллатларнинг дояси. Машхур файласуфлардан бирининг ушбу мулоҳазаси бежиз айтилмаган: «Душманлардан кўркма – нари борса улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан кўркма – нари борса улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан кўрк – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим туришлари туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади».

Президент ташаббуслари орасида маънавият ва маданият соҳаси учун методик асос бўлиб хизмат қиладиган миллий ғоямизни ривожлантириш бўйича алоҳида дастурий ҳужжат ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Чунки, миллий ғоямиз – ҳимоямиз, ҳимоямиз эса ғоямиздир. Ғоя – чироқ, мафкура – маёқ. Уларсиз ҳаракат кўзи боғланган ҳолда йўл тополмаётган кимсанинг тентирашига ўхшайди.

Баъзи гуруҳлар орасида диний қарашларни Конституция ва қонунларимизга қарши қўйиш, дунёвий кадрятларни ҳаром деб билиш ҳолатлари афсус билан қайд этилди. Президент бу ўринда Иброт домланинг “Уламо ғайрат этканда миллат, албатта, ислоҳ топура”, деган ҳикматли сўзларини ёдга олди. Зиёлилар, нурунийлар, ҳаж ва умрага бориб келган юртдошларимиз маънавият тарғиботчиси бўлиши, одамларни яхшиликка бошлаши кераклиги айтилди. Бу вазифаларнинг ижобий тарзда амалга оширилиши ҳам юқорида таъкидлаганимиздек ўз-ўзидан тарғиботнинг таъсирчан механизми – тил тактикасига, нотиклик маҳоратига боғлиқ.



нинг нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш ҳамда тил сиёсатини тақомиллаштириш тўғрисидаги қарорларининг давоми сифатида Ўзбек тили масаласига алоҳида эътиборни қаратди. БМТнинг олий минбаридан туриб ва бир неча юксак даражадаги халқаро анжуманларда ўзбек тилида нутқ ирод этишлари халқимизнинг шону шуҳратини, қатъий сиёсий позициясини намоён этиш истаги билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, Президентнинг “Ўзбек тили ва адабиёти” фани ўқитувчиларига ҳам халқаро сертификатга эга бўлган бошқа фан ўқитувчиларидан кам бўлмаган миқдорда кўшимча ҳақ тўланиши, миллий сертификатга эга бўлган “Ўзбек тили ва адабиёти” фани ўқитувчиларига келгуси ўқув йилидан бошлаб 50 фоиз устама тўланиши, ўзбек тилидан бошқа тилларда таълим олган ҳамюртларимизни давлат тилини ўрганишга рағбатлантириш бўйича алоҳида механизм жорий этилиши, ўзбек тилидан бошқа тилларга ихтисослашган мактабларда давлат тилини ўқитиш соатлари 2-3 карра кўпайтирилиши,

лигини унутмаслик керак. Шунинг учун ҳам, таълим-тарбиянинг, мулоқот ва муомаланинг, тарғибот ва ташвиқотнинг таъсирчан механизми бўлган тил масаласи, нотиклик маҳоратини эгаллаш муҳим вазифадир. Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, албатта, билим ва нотикликни талаб этади.

Худди шу маънода Президентимиз “Биз бугунги кескин шароитда ғоявий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёрмизми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бераётими?” каби кескин саволларни ўртага ташлади.

Ўз нутқида давом этиб, «Булар оддий саволлар эмас. Одамни жиддий ўйлантирадиган, ташвишга соладиган саволлар. Агар биз бу ёруғ дунёда «ўзбек», «ўзбекистонлик», «Ўзбекистон» деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топишимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айна бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади» – деган фикрлари ҳаммамизга масъулият ҳиссини ва мажбурият бурчини юклабгина қолмай, балки огоҳликка даъват ҳамдир.

жараёнини эплай олмаётганимиз афсусланарли ҳолдир. Турли сеориаллар билан, олди-қочди кўрсатувлар билан уларнинг вақтини, ақлини банд қилишдан воз кечиш фурсати етди, назаримда. Ижтимоий тармоқлардаги турли хил нохуш, салбий ҳодисаларга ўз вақтида жавоб бера оладиган, сарагини саракка, пучакини пучакка ажрата оладиган билим, идрок ва нутқ соҳиблари сув ва ҳаводек зарур.

Президентимизнинг бу борда куюниб гапирётган ушбу мулоҳазалари бежиз эмас. Бугунги

Президентимиз маданий-маърифий соҳадаги ишларда ҳокимларнинг масъулияти янада оширилиши, туман ва шаҳарларда Маънавият ва маърифат масканлари ишга туширилишини таъкидлай туриб, “Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн кадам олдинда юриши, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак, – дея уқтирди Президент.

Бошқа соҳаларга нисбатан олдинда юриш кенгқамровли билимга, етук дунёқарашга, юксак маънавиятга эга бўлган тарғиботчи - нотиклар жамоасини шакллантиришни тақозо этади. Ижтимоий-сиёсий нотиклар, академик нотиклар, диний-маърифий йўсиндаги воизлар, ижтимоий-маиший ҳамда ҳарбий нотиклар галереясининг фаолият олиб бориши бу соҳадаги сифат, самара ва натижанинг кафолатидир.

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ,
Профессор, “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети
Матбуот хизмати раҳбари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва
“Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси

(Бошланиши 1-саҳифада)

Йўкса, халқни шунчалар оми деб биламизми?.. Қодирий романлари ва ёрқин қахрамонлари савиясини “ўртамиёна” ва “паст савияли” деб билар эканмиз, унга эргашганлар тўғрисида ҳам худди шундай ҳукм-хулоса чиқарган бўламиз. Бу эса халқнинг катта бир қисмига нисбатан ҳақоратдан бошқа нарса эмас.

Куракда турмайдиган танқид анчадан бери бор эди. Бундан қарийб чорак аср бурун Қодирий романларини бутунлай ва узил-кесил инкор қилиб ёзилган китоб қўлёзмасини ўқигандим, унга танқиднинг танқиди маъносида тақриз ҳам бергандим. Ажабки, биз халқнинг қалбида яшаб қолган қахрамонларни “туғиб берган” Қодирийни, унинг хизматларини инкор қила бошлабмиз. Ўз назаримизда “мудҳиш хато”ларини топиб олиб, пашшадан фил ясашга ўтибмиз. Ҳатто не-не қодирийшуносларнинг ишини “кўр-кўрона” қилинганликда айблаб қолибмиз. Танқидми бу ё таҳқир? Балки тухматдир?.. Қизик, бизгача кимки Қодирийни ўқиб, унинг асарлари тўғрисида ижобий фикр ёзган бўлса, бари ноҳақу бир биз ҳақиқатни кўриб қолибмизми?.. Наҳотки, шундай бўлса?.. Мутафаккир шоир Абдулла Орипов Ёзувчилар уюшмасидаги бир мажлисда айрим калтаўй кишиларни назарда тутиб: “Кўйиб берсанг, булар Навоийнинг ҳам соқолидан тортади”, деган эди. Топиб айтган экан.

Ўтган асрнинг 90-йилларида ўзбек адиблари орасида А.Қаҳҳорга шундай муносабат пайдо бўлганди. Уни салкам “ёзувчи эмас”гача чиқаришганди. Кейин яна вақт ўтиб, Қаҳҳор ўзини “ёзувчи эмас”га чиқарганларнинг барчасидан каттароқ ёзувчи эканини “исбот қилди”. Бу ишни ўзи қилмади, албатта (қабрдан чиқиб келмайди-ку!), балки вақт қилди. Вақт адолат билан ҳаммасини жой-жойига қўйди. Қодирию Ҳамзалар ҳам шундай. Улар ўзини икор қилганларнинг барчасидан узоқ яшайди. Чунки миллатга, тараққиётга, жуда катта адабиётга бутун борлиги билан хизмат қилган эди улар. Яна минг йилда, бор, ана, бир неча юз йилда бир бўладиган мислсиз ўзгаришлар қўйнида туғилган эди улар. Сиз машҳур жадид боболардан истеъдодли бўлишингиз мумкин, лекин неча асрларда бир бора бўладиган азим эврилишлар бағрида улардек туғилиб қолишни “буюртма” бера олмайсиз. Жадидларга ҳам истеъдодли бўлиш, ҳам “ўз вақтида” туғилиш эса – қисмат. М.Лермонтов истеъдодини А.Пушкинникидан баланд қўядиган адабиётшунослар бор, бироқ “рус шеърятининг қуёши” бўлиш Пушкинга насиб қилган эди. Лермонтов бирон 10-15 йилга кечиккан, холос ва устози Пушкинга эргашишга “мажбур бўлган”. Чунки Пушкин даҳоси ва давр бир-бирига тенг келган эди. Жадидларнинг улкан ўзгаришлар даврида “пайдо бўлгани” ҳам шундай натижани майдонга келтирган. Вақтида туғилиш дегани – шу. Ўйлаб кўрайлик.

Ҳар қандай давр ўзгариб, ўрнига янгиси келади, шу ўзгариш билан бирга воқеликни янгича акс эттириш эҳтиёжи туғилади. Қисқаўй ижодкор бўлса: “менгача яшаб ижод қилганларнинг ҳаммаси эскирди, ҳақиқий адабиётни энди мен яратаман!” деб ўйлай бошлайди. Ҳолбуки, эрта бир кун у орқа қилган давр ҳам айланиб, ўрнига тагин янгиси келади. Бас, яна янги асарларга эҳтиёж туғилади. Шундай пайтда, у ёки бу даврни максимал даражада ёритиб берган адиб ё бошқа ижодкор хизматига беписандлик билан қарашдан ўзни тийиш, аксинча, уларни тушуниш ва амалга оширган ишларини эътироф этиш адолатдан бўлади. Яъни ҳар бир асар ёзилган вақтига қараб, давр контекстида ўрганилиши ва баҳолалиши шарт. Бугунги куннинг имконларидан ту-



ЎЗИМИЗ ЎТИРГАН ШОХНИ КЕСМАЙЛИК

риб баҳолашга уринар эканмиз, кўпинча янглиш хулосаларга бориб қоламиз. Чунки у асарда акс этган воқелик ўзгариб кетган бўлади. Шу маънода, барча даврларга бирдек хизмат қила оладиган адиб ҳам, асар ҳам кам топилади. Ҳатто энг буюк деганимизнинг ҳам шоҳ асарларини изоҳлар ва шарҳлар билан тушуниш, тушунтиришга эҳтиёж сезиб яшаймиз. Ўйлаб кўрайлик.

Қаҳҳордан сал ўтиб, Ҳамзага хужум бошланди. Мен Ҳамзани ўзим мансуб авлоддан кўра кўпроқ ва хўпроқ ўрганган устозларга сим қоқиб, маърифатпарвар бобомизни ҳимоя қилишларини сўрадим. Садо чикмагандан кейин ноилож қолиб, 21 бетли матн битиб, Ҳамзанинг хизматла-

Қисқаўй ижодкор бўлса: “менгача яшаб ижод қилганларнинг ҳаммаси эскирди, ҳақиқий адабиётни энди мен яратаман!” деб ўйлай бошлайди. Ҳолбуки, эрта бир кун у орқа қилган давр ҳам айланиб, ўрнига тагин янгиси келади. Бас, яна янги асарларга эҳтиёж туғилади. Шундай пайтда, у ёки бу даврни максимал даражада ёритиб берган адиб ё бошқа ижодкор хизматига беписандлик билан қарашдан ўзни тийиш, аксинча, уларни тушуниш ва амалга оширган ишларини эътироф этиш адолатдан бўлади.

рини тушуниш ва тушунтиришга уриндим – эълон қилдим.

Яқинда бир ёшроқ тарих мутахассиси чиқиб, Амир Темурни танқид қилди – кўпчилигингиз кўрдингиз.

“Хўш, нима қилибди шунга? Қодирийни, Қаҳҳорни, Ҳамзани, Темурни танқид қилиб бўлмайдимми? Нима, улар инсон эмасми, уларнинг камчилиги йўқми?..”

Нега бўлмас экан? Бўлганда қандоқ! Қайси биримизнинг билиб ё билмай қилган хатоларимиз йўқ? Бас, энг улуғ кишиларнинг ҳам ўзига яраша хато ва камчиликлари бор, бўлади.

Айтилганидек, “айбсиз – ёлғиз Парвардигор”.

Гап шундаки, айрим хато ёки камчиликлари туфайли улуғлар хизматига юқоридан келиб муносабатда бўлиш, ҳатто инкор қилишгача бориб етиш хатоларнинг энг каттаси эканлигини унутиб қўяётганга ўхшаймиз. У ёгини сўрасангиз, наинки улуғларнинг, балки энг оддий одамнинг ҳам хато қилишга ҳаққи бор. Инсоннинг у ёки бу хатосини топиб олиб, бозорга чиқариб жар со-

лишга эса сиз билан бизнинг мутлақо ҳаққимиз йўқ. Ҳаққимиз бўлган жойи – илмий текшириб, ютуқ ва хатоларини ҳолислик билан қайд этишдир. Шунда ҳам хурматларини жойига қўйган ҳолда иш тутиш такозо этилади. Ҳамда камчиликларни кўрсатиш у ёки бу соҳа учун, унинг тараққиёти учун зарур бўлгандагина қилинади бу иш. Яъни танқид танқид учун қилинмайди, қилинмаслиги керак.

Яқинда ижтимоий тармоқдаги бир кўрсатувда хорижлик тарихчининг Амир Темур тўғрисидаги фикри эътиборимни тортди. Зеро, менинг ўзим ҳам шундай ўйлаб юрардим: “Дунёда учта тенгсиз саркарда бор. Уларнинг олдида ҳеч ким туша олмайди: булар – Александр Македонский, Чингизхон ва Амир Темур” деди у. Чет эллик тарихчи номлари зикр этилган саркардалар олиб борган урушлар туфайли не-не салтанатлар бузилиб, қанчадан қанча беғуноҳ одамларнинг қони тўкилганини билмасмиди? Биларди. Бироқ урушлар ва низолар инсоният ҳаётининг бир парчаси бўлиб келганини назарда тутиб, мана шундай вазиятда тарихда ўзидан катта из қолдирган йўлбошчилар хизматига урғу берди у. Темур хизматларини эътироф этган хорижлик ва ушбу хизматларни турли хил важдар билан инкор қилишга уринган ўзбек тарихчиси қарашларидаги фарқни ўйлаб кўрайлик. Нима учун бундай бўляпти?..

Тўғри, илмда ҳам, ҳаётда ҳам хато ва камчиликларни беркитиш, хаспўшлаш мақбул тутим эмас. Тараққиёт учун билиш керак, билиш учун эса ўтмишга ҳам, бугунга ҳам танқидий кўз билан қараш зарур. Бироқ бу иш инсоний ва илмий ахлоқ, этик ва эстетик нормалар доирасида амалга оширилмоғи шарт. Талаб – шу!

Шунга амал қилинмагани учун ҳам ижодкор А.Маликнинг улуғ адиб А.Қодирий асарлари тўғрисидаги танқидий чиқиши жамиятда қаттиқ норозиликка учради. Чунки у халқнинг кўнглига тегадиган гап айтиб қўйди, натижада кўпчилик кўзгалди.

Бобуршоҳ Ҳиндистонда экан, ўғли Ҳумоюнга маҳаллий халқ билан эҳтиёт бўлиб муносабатда бўл, уларнинг эътиқодларига зид келадиган иш қилиб қўйма, деб тайинлаган экан. Агар унинг фарзандлари буюк ота маслаҳатига тесқари ишлар қилганда эди, дунёда энг узоқ яшаган империялардан бири – Бобурийлар салтанатини ку-

ришолмаган бўларди. Бобурийлар мусулмон эдилар. Ҳиндларнинг эътиқоди эса тамомила ўзга. “Биз ҳақ, улар ботил эътиқодда, бас, адашганларни хоҳлаганча бошқарамиз, бўйсинмаса, кириб ташлаймиз!” деб иш тутмадилар улар, билъақс, бағрикенглик қилишди – ўзга эътиқодлилар билан муросою мадора йўлини танлашди. Нега шундай қилишди – ўйлаб кўрайлик.

Ўзбекнинг машҳур шоирлари Ҳ. Худойбердиева, М. Юсуф ва бошқаларнинг Зайнабни ёқлаб ёзган шеърлари ҳам қайсидир маънода Қодирийга “эътирозлар” эди. Бироқ бу “эътирозлар” халқ орасида ҳам, адабиёт илми олимлари орасида ҳам сира норозиликка сабаб бўлгани йўқ.

Қодирий асарларини ёқтирмасликка ҳаққингиз бор, лекин қилган хизматларини инкор қилишга ҳаққингиз йўқ. Қодирий ўз сафдошлари – Бехбудий, Фитрат, Ҳамза, Чўлпонлар билан бирга Навоий ва Бобурдан қарийб 400 йил кейин ўзбек адабиётини янгилаб берган асосчи-адибдир. Ҳозир, сиз билан биз ҳам ана ўша жадид боболар солиб кетган йўлдан юриб қоғоз қоралаймиз – мақолалар ёзаямиз, ҳикояю романлар битаямиз. Бугунги кунда ўзбек адабиётида бўлиши мумкин барча янгиликлар, асосан, ана шу Иккинчи юксалиш – жадидлар асос солган йўл ичида содир бўлмоқда. Эсли-хушли одам ўзи ўтирган шохни кесмайди. Бас, шундай экан, адабиёт бизнинггина оламимиздан, симпатия ва антипатиямиз иборат эмас. Обьектив бўлолмасак, субъектив фикримизни мутлақ ҳақиқат сифатида ўзгаларга тикиштирмайлик.

Демак, жадидлар – халқимиз тарихида мислсиз прогрессив роль ўйнаган авлод. Ҳа, хатолари бор эди уларнинг ҳам, лекин “хатоси”ни кўрган кўзимиз нега уларнинг “тўғриси”га келганда юмилиб қоляпти? Улар Фарбга эргашган вақтда Фарб чиндан-да илғор эди, ҳозир ҳам илғор. Шарқ эса, тараққиётнинг барча жабҳаларида чидаб бўлмас даражадаги инқирозни бошидан кечираётган эди. Шундай пайтда Фарбга эргашиб, улардан ўрганишнинг нима ёмон томони бор – мен тушунмайман. Бугун эргашмаяпмизми ўша Фарбга? Бугун эҳтиёжимиз йўқми ўрганишга!?! Илм Чинда бўлса ҳам, бориб ўрган, демаганмиди улуғлар?... Инсоният тарихига тафаккур нигоҳини ташласангиз, аён бўладики, цивилизация ҳамиша “кўчиб” юрган. Қачондир (Ўрта асрларда) тараққиёт йўлларини бутун дунёга Шарқ кўрсатган эса, кейинги 600 йил мобайнида бу вазифани асосан Фарб удда қилиб келди. Шундай пайтда жадид боболаримизнинг битта кўзи Фарбга қаратилгани энг тўғри йўл бўлган. Фарбга эргашиш дегани эътиқоддану ўзликдан воз кечиш дегани эмас, балки биринчи галда, илғорликка, тараққиётга, инсон зотиға муносиб ҳаёт тарзига интилиш дегани эди жадидлар учун. Ҳозир ҳам шундай.

Хулоса шуки, улуғларни асраш керак. Ўз улуғларини асрай олмаган эл ўзгаларнинг улуғларини алқаб қолади. Чунки миллатнинг улуғлари шу эл ва унинг мамлакатини тутиб турган устунлардир. Уларни бирин-сирин йиқитар эканмиз, алалоқибат, миллат деган “ўтов” қулайди. “Мен йиқитмаяпман”, дея кўрманг, улуғлар хизматларини йўққа чиқариш уларнинг оёғига болта уришдан ўзга иш эмас. Бас, устунларни йиқитмоқчи бўлганларга “тўхта!” дейиш эса шу миллатнинг ҳар бир уйғоқ фарзанди вазифасидир.

А.Малик, шубҳасиз, истеъдодли ижодкор ва тадқиқотчи. Бироқ истеъдод тўғри ишга ҳам, ногўғрига ҳам бирдек хизмат қилиши мумкинлигини унутмайлик. Мен унинг истеъдоди миллатнинг жипслигию қувватланишига сарф бўлиши тарафдориман. Зеро, қодирийлар турган чўққига уларни “қулатиб” эмас, балки улар каби соғлом хизмат қилибгина чиқиб бориш мумкин.

Улуғбек ҲАМДАМ.

Аср муаммоси



БОЙ ВА КАМБАҒАЛ ДАВЛАТЛАР

НИМА МАСАЛАДА КЕЛИША ОЛМАЯПТИ?

Атроф-муҳитни булғаш ҳисобига катта бойлик тўплаб олган, улкан саноатга эга давлатлар бу булғанишдан жабр чекаётган камбағаллар давлатларга ўз технологиялари ва молиявий ресурслари билан ёрдамлашишга шошилмаяпти.

30 ноябр куни Дубайда сайёрамизнинг энг йирик экологик форуми – БМТ Иқлим ўзгариши бўйича ҳадли конвенсиясига аъзо 200 га яқин давлатнинг 28-конференцияси (COP28) бошланди. Саммитнинг илк кунларида 140 дан ортик давлат ва ҳукумат раҳбарлари қатнашган бўлса, кейинги кунларда конференция делегатлар, эксперт ва экофаоллардан иборат 70 мингдан ортик меҳмон иштирокида давом этмоқда.

Авалло, бу конференциянинг Бирлашган Араб Амирликларида ўтишига доир можаролар юз берганини айтиш керак. Экология бўйича кўплаб халқаро ташкилотлар, яшиллик ҳимоячиси бўлган баъзи давлатлар БААни “greenwashing”да, яъни сохта яшиллик ҳимоячиси эканликда айблашади. Уларга кўра, БАА – дунёдаги олтинчи энг йирик нефт ва газ ишлаб чиқарувчи давлат. Жон бошига, амирлик энг кўп миқдордаги захарли газлар ишлаб чиқаради. Бундай салоҳиятли конференцияни ўтказиш орқали амирлик ўзи учун нолойиқ бўлган сохта обрў ва репутацияга эга бўлишга интилишда айбланади.

Конференцияни олиб боровчи шахс – БАА энг катта нефт компанияси президенти Султон Жобир экани ҳам экологлар томонидан алоҳида танқид қилинди. Экологларга кўра, нефт ва газ – сайёрамизни энг кўп булғайтган омиллардан ҳисобланади. Нефт компаниялари эса, экологик форумларда раислик қилиши эмас, танқид қилиниши ва нефт ҳамда газ ишлаб чиқариш жараёнини хавфсиз ўзганга ўтказишлари керак, деб талаб қилишади экологлар.

Хўш, бу каби конференциялар ниманидир ўзгартира оладими? Ўзи, муаммо нимада? Жуда кўплаб тадқиқотларга кўра, 21-асрдаги ҳамма ни бирдек безовта қиладиган биринчи муаммо – экология, атроф-муҳит бўлади. Иссиқхона эффектини ҳосил қилувчи газлар рекорд даражада кўпайган. Ер юзи кейинги 9 йилда муттасил исиб бормоқда. Ҳар йили янги иссиқлик рекордлари ўрнатилмоқда. 2015 йилда имзоланган Париж келишувига кўра, Ер шаридаги ҳарорат кўшимча 2° даражадан ошмаслиги керак.

Лекин БМТ бош қотиби Антониу Гуттеришга кўра, шу кетишда сайёрамиз кўшимча 3° даражадан ҳам исиб кетиши аниқ. Гетурриш Дубайдаги чиқишида глобал исишни “Ер шарида дўзах эшиклари очила бошлади” дея тарифлаган. Иқлим ўзгариши сабаб 2050 йилгача абадий музликларнинг учдан бир қисми эриб тугайди. Бундан кейин сувсизлик, қурғоқчилик, оммавий экологик кўчишлар авж олади.

Дунё давлатлари экологик муаммолар кучайиб боришини тан олади, лекин улар ҳозирча келиша олмаяпти. Атмосферага чиқарилаётган чиқиндиларнинг 80 фоизи дунёнинг энг бой ва

саноатлашган 20 та давлати ҳиссасига тўғри келади. Энг бой давлатлар кейинги бир ярим асрда атроф-муҳитга энг катта миқдорда чиқиндилар чиқариш ҳисобига, бойиб олишди. Энди, бу чиқиндилар камбағал ва ривожланаётган давлатларнинг ҳам муаммоси ҳисобланади.

Келишувларга кўра, бундан кейин чиқинди чиқариш ҳажми кескин камайиши керак. Бу, ўз ўрнида ривожланаётган ва камбағал давлатлар учун, катта муаммо бўлади. Чунки уларнинг қишлоқ хўжалиги янги тартибга солиниши, саноати қайта қурилиши, иқтисодиёти эса яшил ўзганга кўчиши керак. Бунинг бариси учун, жуда катта миқдорда маблағ керак бўлади. Бу маблағларни ким беради?

БМТга кўра, ривожланаётган давлатларнинг иқтисодиётини яшил ўзганга ўтказиш учун 2030 йилга қадар ҳар йили 200 миллиард доллардан ортик маблағ керак бўлади. Бой давлатлар ҳозирча бу пулни беришга тайёр эмас. Амирликда 12 декабрга қадар халқаро экспертлар халқаро фонд тузиш ва бу фондга бой давлатлардан пул тушириб, ривожланаётган давлатлар иқтисодиётини яшил ўзганга ўтказиш масалалари бўйича келишиб олишлари керак. Лекин бу каби катта ва оғир масалаларда, тез ечим топиш имконсиз, келишувлар осон кечмайди.

1 декабр кунги давлат ва ҳукумат раҳбарлари саммитида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этиб, нутқ сўзлади. Президентга кўра, Орол фожиаси – бу глобал фожа. Орол – қуриб битган энг катта кўл ҳисобланади. Ҳаво исиши даражаси Марказий Осиёда глобал ўртача кўрсаткичдан икки марта юқори. Яъни бутун дунёда 1-2 градус кўшимча исиш кузатилса, минтақамизда бу кўрсаткич 2-4 градусни ташкил қилмоқда. Иссиқ кунлар сони икки мартага ошган. Минтақа тоғларидаги музликларнинг учдан бир қисми эриб битган. Чанг ва кум бўронлари одатий ҳолга айланмоқда. Тупроқ емирилиши жуда катта тезликда кечмоқда. Мана шу фонда Ўзбекистон яшил муҳит ва иқтисодиётга ўтиш бўйича давлат стратегиясини амалга оширмоқда.

Дунё давлатлари экологик фожиани англаб етди, лекин қилинаётган ишлар мутлақ етарли эмас. Қилинаётган ишларнинг заифлиги – давлатларнинг миллий эгоизмига бориб тақалади. Атроф-муҳитни булғаб бой бўлган, катта саноатга эга, катта нефт ва газ истеъмол қиладиган иқтисодиётлар ўз технологиялари ва молиявий ресурслари билан бўлишига тайёр эмас.

Лекин сайёрамиз – ҳамма учун ягона. Агар вазият шу қадар тез издан чиқаверса, яқин ўн йилликларда юз миллионлаб экологик қочқинлар пайдо бўлиши аниқ. Марказий Осиё эса, экологик фожианинг қоқ марказида тургандек. Аномал иссиқ, аномал совуқ, аномал қурғоқчилик, аномал об-ҳаво... Бу ҳали бошланишидек...

Қамолитдин РАББИМОВ,
сиёсий таҳлилчи



Энергетик ичимликлар: ШИФОКОРЛАР НЕГА БУ МАҲСУЛОТНИ ҲАЁТ ВА СОҒЛИК УЧУН ХАВФЛИ ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ?

Бугун ёшлар ўртасида урф бўлган энергетик ичимликлар илк бор 1960 йилда Японияда дори воситаси сифатида яратилган. Кейинчалик Европа ва АҚШни “забт этгач”, бизнесменлар бу маҳсулотни оммалаштириш учун таркибига бир қанча кимёвий моддаларни қўшишган.

2014 йилга келиб, ЖССТ ўсмирлар ўртасида энергетик ичимликлар кўп истеъмол қилинаётгани юзасидан хавотирли баёнот билан чиқди. 2017 йилда эса АҚШда 16 ёшли ўсмирнинг ўлимига кўп миқдорда истеъмол қилинган энергетик ичимлик сабаб бўлгани айтилди.

– Ҳозир дунёнинг қатор давлатларида бундай маҳсулотлар сотувига тақиқлар ўрнатилган. Ўзбекистонда ҳам бу борада маълум қонуний чекловлар амалда.

– Хўш, шифокорлар нега бу маҳсулотдан тийилишни тавсия қилади?

Дониёр АЛИМОВ,

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази директори:

— Энергетик ичимликлар меъёрдан ортиқ ва сурункали истеъмол қилинса, бош мия, марказий нерв тизими, бўғимлар ва бошқа аъзоларга жиддий зиён етади. Таркибидаги кофеин — психостимулятор модда. У вақтинчалик тетиклик ҳиссини бағишлаб, чарчоқни аритиши, ақлий фаолиятни кучайтириши мумкин, аммо маълум бир вақтдан сўнг, масалан, 1 – 1,5 соат ўтгач ин-

сон организмида ҳорғинлик баттар кучаяди, бош оғриғи пайдо бўлади ва нафақат ақлий, балки жисмоний фаолият ҳам сусаяди.

Бундай маҳсулотларни тез-тез истеъмол қилувчиларда кейинчалик бўғимларда оғриқлар пайдо бўла бошлайди ва маълум бир асоратларга олиб келади. Ўсмир ва болалар учун ҳафта мобайнида кофеин истеъмолини 60 мгдан оширмаслик керак.

– Битта энергетик ичимлик таркибида эса ўртача 30 мг кофеин мавжуд. Энергетиклар ичиш 18 ёшга тўлмаган болалар ва ўсмирлар, ҳомиладор ва эмизувчи аёллар, юрак-қон томир хасталиқларига чалинган ҳамда қандли диабет бор беморларга тавсия этилмайди.

Севара ФАХРУТДИНОВА,

Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази масъул ходими:

– Энергетик ичимликлар меъёридан ортиқ истеъмол қилинганда қонда глюкоза миқдори кўпайиб кетади. Шакарнинг ортиқча қисми ёғга айланади ва инсулин организмида кўпайиб, қандли диабетга олиб келади. Энг ёмони, одам бу ичимликка беихтиёр боғланиб қолади.

– Қолаверса, энергетикларни кўп истеъмол қилиш инсон танасидаги хужайра ва тўқималарга жиддий зарар етказиб, жигар, юрак қон-томир касалликларига олиб келади.

Гули ШАЙХОВА,

Тошкент тиббиёт академияси профессори, тиббиёт фанлари доктори:

– Юқори концентрацияланган қувватбахш

ичимликлар таркибидаги таурин – энергетик жараёни жадаллаштирувчи ва нерв тизимини ривожлантирувчи модда. Унинг инсон организми учун суткалик меъёри – 400 мг. Айрим энергетиклар таркибида эса бу модда 2 баробаргача ошиқ бўлади ва ўсмирлар соғлигига салбий таъсир кўрсатади.

Бундай ичимликлар қисқа муддатда организмга зарарли таъсир кўрсата бошлайди. Лекин таркибида ортофосфат кислотаси борлиги учун бунга сезмайсиз.

Масалан, 45 дақиқадан сўнг дофамин ишлаб чиқарилиши ортиб, бош мияда роҳатланиш, қониқшиш марказини кўзгатади. 70-80 дақиқадан кейин акс таъсир қилиш вақти бошланиб, организмда ҳолсизлик ҳолатлари юзага келади.

Қолаверса, энергетик ичимликлар асаб тизимини ишдан чиқаради. Рухий касалликларга чалиниш хавфи ортади, одамларда тажовузкорлик кучаяди. Болаларнинг зехни ўтмаслашиб, дарсларни ўзлаштириши пасайиб кетиши, ногирон, ақли заиф фарзандлар туғилиши айни шундай иллатларнинг ҳам асорати десак, хато бўлмайди, дея хабар бермоқда Соғлиқни Сақлаш вазирлиги ахборот хизмати.

АҚШлик тадқиқотчилар хулосаси:


Энергетик ичимликлар юракдаги QT интервали (юракнинг электрик систоласи)ни ўртача 2 соатда 10 миллисонияга оширади. Агар миллисонияларда ўлчанадиган ушбу вақт оралиғи ҳаддан ташқари узун ёки калта бўлса, юрак урушида жиддий ўзгаришлар юз беради. Бу эса ҳаёт учун хавфли бўлган аритмияга олиб келиши мумкин.

ОҒУДАН АСРАЛГАН УМР

Ҳозирги вақтда гиёҳвандлик балоси инсоният ҳаётига жиддий хавф солаётган, унинг азиз ва муқаррамлигига путур етказётган машъум иллатлардан бўлиб, гиёҳвандлик нафақат бу иллат билан шуғулланувчиларга, балки бутун жамиятга таҳдид солади.

Ҳикоямиз қахрамони энди 20 ёшдан ошган йигитча, бугун оиласи, яқинлари ва ота-онасининг юзини ерга қаратди...

Шавкат бобоси вафотидан кейин ундан қолган нарсаларни кўздан кечираркан, ахлат уюмлари орасидан целлофан пакетга ўралган нарсага кўзи тушиб, уни очиб кўрди ва секин атрофга қараркан, уни ҳеч ким кузатмаётганига ишонч ҳосил қилгач, целлофанни чўнтагига солди.



Ҳовлида кечгача худди ўзини иш қилган кишидек кўрсатиб, ҳаёлида чўнтагидаги нарсани пуллаш ҳақида ўйлади. Қоронғу тушгач эса уйдагиларига иши борлигини айтиб, зимистон кўча бўйлаб кета бошлади. Чунки энди унинг ҳаёлини бу нарсани таътиб кўриш истаги эгаллаб олганди.

– Аввал ўзим бир таътиб кўраман, қолганини пулласам ҳам, анча сокқа ишлаб оламан, – деди ўзига-ўзи пичирлаб.

Шавкат шу ҳаёллар билан кетаркан олдидан таниши Достоннинг чиқиб келганини сезмай ҳам қолди. Достон Шавкатнинг бежо кўзларига

қараркан, уни саволга тутди. Лекин Шавкат бир оғиз ҳам гапирмай, Достонни кўлидан тутганча четроққа судради.

– Дўстим, менда зўр нарса бор. Бир кайф қилмаймиз, – дея кулди.

Достон ҳам “Мен ҳам шуни тарафдориман-да ўзи” дея у билан бирга пана жой қидиради.

Йўлда эса Достоннинг таниши машинада келаётган Маъруфга дуч келишади.

– Мен ҳозир, – дея, кўзини қисиб Маъруфнинг машинасини тўхтатади. Унга нималарнидир тушунтиргач, хурсанд ҳолда Шавкатни машинага таклиф қилади.

Учқовлон энди “базму жамшид”ни бошламоқчи бўлганда, қаердандир пайдо бўлган тезкор гуруҳ ходимлари уларга жойларидан кимирламасликни айтишади.

Бундан саросимага тушган Шавкат чўнтагидаги целлофанни ерга ташлаганча, қочишга уринади. Аммо энди кеч эди...

Ш. НУСРАТУЛЛАЕВ,
Сурхондарё вилояти
Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси
хузуридаги ТГ терговчиси

Сўнги йилларда юртимизда олий таълим муассасаларининг миллий рейтинглари мунатазам аниқланиб, юқори ўринларни эгаллаган муассасалар эътироф этилмоқда. Бу ўз ўрнида, ОТМларнинг миллий рейтингларда ўз ўрнини яхшилаш учун ҳаракат қилишларига сабаб бўлмоқда. Миллий рейтинг юртимизда аҳамиятли бўлиб турган бир пайтда бутун дунё олий таълим муассасалари халқаро рейтингларда ҳам яхши натижалар эгаллаш учун ҳаракат бошлаб юборган. Хўш бугун юртимиз ОТМлари орасида “тренд”га айланиб бораётган халқаро рейтинглар нима учун керак, улар ОТМларга нима бера олади?



ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ УЧУН КУРАШ

олий таълим муассасаларига нима беради?

Халқаро рейтинглардаги иштирок илмий тадқиқотлар сифатини оширади ва таълим сифати яхшиланишга замин бўлади.

Нуфузли халқаро рейтинглар, хусусан, Quacquarelli Symonds (QS), Times Higher Education (THE) дунё университетлари рейтингини аниқлашда фақатгина энг зарурий кўрсаткичларни бажарган ОТМларни ўрганиб, уларга рейтинг бали беради. Масалан, QS Дунё университетлари рейтингда иштирок эта олиш учун ОТМ охириги 5 йилда “Scopus” халқаро журналлар базасидаги журналларда энг камида 100 та материал (китоб, мақола, конференция материаллари) нашр этган ва индексланган бўлиши керак. Агар ОТМ ҳудудий рейтингларда, масалан, QS Осиё университетлари рейтингда иштирок этишни хоҳласа “Scopus” базасида охириги 5 йилда 50 та мақола нашр этган бўлиши талаб қилинади. Бу талаб THE Дунё университетлари рейтингда охириги 5 йилда 1000 та мақола қилиб белгилан-

лис бўлган ва илмий асосланган мақолаларни нашр учун қабул қилади. Бундай мақолаларни ўзларининг сифатли илмий изланиши билан ёзаётган олимлар ОТМдаги таълим сифатига бевосита ва билвосита ўз тасирини ўткази.

Халқаро майдонда университет “имиж”и муҳим Олий таълим муассасалари ўз фаолиятларини самарали юритишлари учун Хорижий олий таълим муассасаларининг асосий даромади талабалар тўловларидан эмас, балки

Халқаро ҳамкорлик барча олий таълим муассасалари фаолияти учун муҳим ҳисобланади. Университетда фаолият юритаётган халқаро профессор-ўқитувчилар сони ва таълим олаётган халқаро талабалар улиши халқаро рейтинглардаги муҳим меъзонлардан бири ҳисобланади. Ҳамкор университетлар ушбу халқаро талаба ва педагогларни жалб қилишда муҳим жуда катта ёрдам

верситетлар бутун дунё бўйлаб энг яхши талабалар, тадқиқотчилар ва ўқитувчиларнинг эътиборини тортади. Улар кўпинча ўзларининг илмий ютуқлари, ресурслари ва имкониятлари билан танилган институтларни қидирадилар. Кучли обрў-эътибор университетни ушбу иқтидорли шахслар учун жозибали манзилга айлантириши мумкин.

Битирувчилар учун имкониятлар: Университетнинг обрўсининг битирувчиларининг муваффақияти бевосита таъсир қилади. Юқори рейтингли ва таниқли муассасалар кўпинча талабалари ва битирувчиларини учун халқаро алмашинув дастурлари ва иш жойи топиш имкониятлари билан таъминлайди. Таниқли университетларни тамомлаган битирувчиларнинг ишга жойлашиш улуши бошқа ОТМларникидан сезиларли даражада юқори туради.

Молиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш: Юқори рейтинглар ҳам давлат манбаларидан, ҳам хусусий хайриялардан кўпроқ маблағ жалб қилиши мумкин. Донорлар, инвесторлар ва сиёсатчилар кўпинча ресурсларни қаерга тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишда рейтингларни ҳисобга олишади.

Тадқиқот имкониятлари: Юқори рейтинглар юқори даражадаги профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчиларни жалб қилади. Бу умумий академик муҳит ва тадқиқот натижалари сифатига ҳисса қўшиб, ҳамкорлик қилиш имкониятларини ошириш, тадқиқотни яхшироқ молиялаштириш ва ресурслардан фойдаланиш имкониятини ошириши мумкин.

Халқаро рейтинглардаги иштирок ва улардаги яхши натижалар олий таълим муассасаларига ҳар томонлама ижобий таъсир қилишини инobatга олган ҳолда юртимизнинг барча ОТМлари халқаро даражада ўз обрўси учун курашаётганлиги, албатта, барча учун манфаатли деб ўйлайман.

Санжар ЯХШИЛИКОВ,
Жиззах давлат педагогика
университети халқаро рейтинг
ва индекслар билан ишлаш
бўлими бошлиғи

Битирувчилар учун имкониятлар: Университетнинг обрўсининг битирувчиларининг муваффақияти бевосита таъсир қилади. Юқори рейтингли ва таниқли муассасалар кўпинча талабалари ва битирувчиларини учун халқаро алмашинув дастурлари ва иш жойи топиш имкониятлари билан таъминлайди. Таниқли университетларни тамомлаган битирувчиларнинг ишга жойлашиш улуши бошқа ОТМларникидан сезиларли даражада юқори туради.



ган (“Scopus”, “Web of Science” ва бошқа нуфузли базалар ҳисобга олинади). Ушбу талабларни бажара олмаган муассасаларнинг қолган индикаторлар бўйича кўрсаткичлари ўрганиб чиқилмайди ва рейтинглар учун ҳисобга олинмайди. Шундай экан, нуфузли халқаро рейтингларда иштирок этишни мақсад қилган ОТМлар аввало сифатли, натижага асосланган илмий тадқиқотларни олиб боришга ҳаракат қилади. Чунки “Scopus” базасига кирувчи журналлар фақатгина илмий янгилиги мавжуд, плагиатдан хо-

илмий фаолият натижасида қўлга киритилган маблағлар, грант дастурлари орқали амалга оширилган турли лойиҳалардан келган даромадлар ҳисобланади. Турли хил халқаро грант ажратувчи дастурлар (Erasmus, Fulbright, POSCO, ва DAAD) грантлар ажратаётганда асосан университетнинг халқаро имижига яъни халқаро рейтинглардаги ўрнига диққат қаратади. Халқаро рейтинглардаги ўрни яхши бўлмаган университетлар халқаро грант дастурларида иштирок этиши қийинлашади.


беради. Халқаро ҳамкорлик олий таълим муассасасидаги таълим жараёнига ҳам бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, педагог ходимларнинг хорижий стажировкаларга бориб ўз малака ва кўникмаларини ошириб, таълим жараёнида ушбу билимларни қўллаш таълимни янги босқичга олиб чиқади. Аммо нуфузли, таълим сифати юқори бўлган хорижий ОТМлар билан ҳамкорлик ўрнатиш мураккаб жараён ҳисобланади. Ўзаро икки томонлама манфаатдор бўлиши учун хорижий ОТМлар ҳам даражаси ўзларига ўхшаш, юқори рейтингли ҳамкор излайди. Халқаро рейтингларда яхши натижалар қайд этган ОТМлар ушбу қийинчиликларга дуч келмайди ва юқори даражали хорижий университетлар билан ҳамкорлик ўрнатиш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, ОТМлар халқаро рейтинглардаги иштирок орқали куйидаги авфзалликларга эга бўлиши мумкин.

Халқаро истеъдодларни жалб қилиш: юқори даражадаги уни-

АВТОМОБИЛДАН “ҲИМОЯЛАНГАН”

ШАҲАР



Пекинда ҳаво тозалигини сақлаш ва тирбандликлар масаласи қандай ечилган?

Пойтахт Тошкентда “аномал” тирбандликлару, ҳавонинг юқори даражали ифлосланиши тобора авжига чиқмоқда. Бунинг сабабларини ўрганиш ва муаммоларни бартараф этишда дунёнинг “яшил” шаҳарларидан ўрнатилган энг тўғри йўл. 22 млн аҳолисининг 88 фоизи яшил майдонли ҳудудлардан атиги 500 метргина радиусда яшаётган Пекин тажрибаси бунда бизга қўл келиши мумкин.

Рақам олиш автомобиль олишдан-да қийинроқ

Пекинда автомобилларга давлат рақамларини олиш жараёни мураккаб килиб қўйилган. Давлат рақамини олиш эса автомобиль сотиб олишдан қийинроқ. Яъни рақамни сотиб олиш учун лотереяда иштирок этиш ёки йиллар давомида кутишга тўғри келади. Ёки аукционда қатнашиб, 100 минг юан ва ундан юқори (13,8 минг доллар) тўловни амалга ошириш керак. Аммо бунинг учун ҳам талаблар бор: Пекинда сўнги беш йил давомида яшаш, солиқ тўлаш, ижтимоий суғуртага эга бўлиш ва ҳоказо. Компаниялар учун талаблар янада юқорирок.

Ҳаво ифлосланганда автомобиллар учун чекловлар

Ҳаво ифлосланиши ўта юқори бўлган кунларда транспорт ҳаракати учун талаблар кучайтирилиб, шахсий автомобилдан ҳафтада тўрт кунгача фойдаланиш мумкин бўлган қоида жорий этилган. Пекинни қора тутун қоплаганида, шахсий транспортдан фойдаланиш қоидалари янада кучайтирилади: тоқ рақамли кунларда давлат рақами тоқ рақамлар билан бошланган транспорт, жуфт рақамли кунларда давлат рақами жуфт рақамлар билан бошланган транспорт ҳаракатига рухсат берилади. Давлат автомобилларининг 30 фоизга яқини гаражда қолади. Бунинг натижасида, тахминан 2 миллион аҳоли ҳаво ифлосланган кунларда жамоат транспортдан фойдаланади.

Қурилиш компаниялари учун тозаланишни сақлаш бўйича қатъий қоидалар жорий этилган. Хусусан, юк машиналари олдин тозаланмасдан туриб, қурилиш майдонларидан шаҳар кўчаларига чиқиб кетиши қатъиян ман этилади.

Ечимлардан бири – жамоат транспорти

Пекиндаги юқори тирбандлик саёҳат вақтини оширади, меҳнат



унумдорлигини пасайтиради ва пул йўқотишларга олиб келади. Ҳисоб-китобларга кўра, Пекин ҳар йили бундан 100 млрд. юанга яқин бевосита ва билвосита иктисодий йўқотишларга дуч келмоқда. Бу кўрсаткичлар Хитой пойтахти ЯХМ-нинг (2023 йил бошида – 550 млрд доллардан ортиқ) қарийб 5 фоизини ташкил этади.

Бугунги кунда Хитой пойтахтида 25 мингдан ортиқ автобус турли йўналишларда қатнайди. Хитой Транспорт вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакатда жамоат транспортининг йўловчи ташиш умумий ҳажмидаги ҳиссаси атиги 30 фоиз (ривожланган мамлакатларда – 60 фоизга яқин). Шу сабабли, Хитой ҳукумати жамоат транспортининг қулай, тез, ишончли, қатнов жадвалига амал қилувчи, хавфсиз ва арзон бўлишига ҳаракат қилмоқда.

Масалан, Пекиндаги 500 дан ортиқ автобус йўналишларида катта ёшли йўловчилар учун 60 фоиз, мактаб ўқувчилари учун 80 фоиз чегирма мавжуд. Автобуслар ва тез ёрдам машиналари куннинг маълум вақтларида ҳаракатланиши учун алоҳида йўлақлар ажратилган (асосан, эрталаб ва кечқурунги пайтларда). Ушбу йўлақларда бошқа автомобилларни ҳайдаш учун катта жарималар бор, такроран содир этилган тақдирда, жарима миқдори икки баравар оширилади.

Бундан ташқари, бутун мамлакат бўйлаб кун давомида йўлларда режали таъмирлаш ишларини олиб бориш тақиқланади (айрим ҳолатлар бундан мустасно, айниқса, шошилинч ишларни бажариш керак бўлса).

Қулай ва “ақлли” йўл инфратузилмаси

Шаҳар маъмурияти биринчи навбатда, йўл инфратузилмаси,

юқори сифатли йўл қопламалари, аниқ ажратувчи чизиқлар, йўл белгилари ва бошқалар сифатини кенг миқёсда яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқда. 6 та Пекин халқа йўлларида максимал тезлик чегараси 60 дан 100 км/соатгача. Қулай бурилиш йўлақлари, йўл ўтказгичлар туфайли (светофорлар йўқлигида) транспорт тизимининг имкониятлари сезиларли даражада ошиб, тирбандлик миқдорини камайтиришга ёрдам бермоқда.

Шунингдек, пойтахтдаги деярли барча йўлларда қоидабузарликларни қайд этувчи видеокамералар ўрнатилган. Видеокузатув тизими 2005 йилда бошланган Skynet давлат дастурининг бир қисмидир. 2023 йил бошида видеокузатув камералари сони 46 мингтани ташкил этди. Хитой пойтахти “Ақлли шаҳар” глобал рейтингда учинчи ўринни эгаллади.

Бундан ташқари, асосий йирик объектларга (аэропортлар, вокзаллар) олиб борувчи пулли, кўп полосали йўл ўтказгичлар (рухсат этилган тезлик – 120 км/соатгача) қурилди. Масалан, Пекин марказидан Шоуду аэропортигача бўлган масофа 30 км, Дасин аэропортигача 60 км.

Тавсия ва имкониятлар эвазига ечимлар

Уларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

1. 2013 йилдан бошлаб оғир юк автомобилларининг пойтахтга киришига фақат тунги вақтда — соат 23:00 дан 6:00 гача рухсат этилади.

2. Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан иш кунининг бошланиши ва тугашига ўзгартиришлар киритилишини рағбатлантириш, тиғиз пайтларда тирбандликни камайтириш. Ушбу чора-тадбирлар пойтахтдаги шахсий автомобиллар паркиннинг 20 фоизини ҳар куни шаҳар кўчаларида ҳаракатланишини чеклаш, кунлик газ чиқиндиларини 10 фоизга камайтириш имконини беради.

3. Таксиларни реал вақт режимида ҳаракат зичлигини кўрсатадиган ва ҳайдовчиларга маршрутни оптималлаштириш учун тавсиялар берувчи махсус навигация тизимлари билан жиҳозлаш.

4. Йирик халқаро тадбирлар (конференциялар, форумлар, Олимпия

ўйинлари ва бошқалар) вақтида давлат органлари автопаркиннинг 70 фоизидан фойдаланишни тақиқлаш.

5. Велосипед ва мопедлардан фойдаланишни кенг жорий қилиш. Бунинг учун барча шароитлар яратилган: инфратузилмадан тортиб, онлайн тўловларни жорий этиш орқали хизматлар нархини арзонлаштиришгача.

6. Авто ва пиёдалар ҳаракатини тезкор тартибга солиш учун асосий чорраҳаларга инспекторларни жойлаштириш.

7. Нафақат ҳайдовчилар, балки пиёдаларнинг ҳам йўл ҳаракати қоидаларига қатъий амал қилиши устидан полиция назоратини кучайтириш, ҳатто жарима солишгача.

“Яшил” жамият сари

Хитой электр транспорт воситалари учун энг йирик бозор бўлиб, 2023 йил биринчи ярмида электр транспорт воситалари глобал савдосининг 55 фоизи Хитой ҳиссасига тўғри келган – 3,4 миллион дона. Пекин маъмурияти 2023 йилда 100 минг дона давлат рақамини чиқаришга қарор қилган бўлса, шундан 70 мингтаси электромобиллар учун берилади. Бундан ташқари, электр ва гибрид транспорт воситалари учун “яшил” давлат рақамларини бепул олиш мумкин. Шу билан бирга, электробуслар ҳам фаол жорий этилмоқда. Пекин ва Хитойнинг яна 30 та шаҳри 2028 йилга бориб, жамоат транспортда 100 фоиз электробуслардан фойдаланишни режалаштирмоқда.

Пекинда ободонлаштириш жараёни “тажовузкор” олиб бориляпти. Масалан, 2023 йилнинг ўзида:

■ 8 минг гектар ер майдони экологик реставрация қилиниб, 1 минг гектар майдонда ўрмонлар барпо этилади;

■ 22 та истироҳат боғи ва шаҳар ўрмонлари, шунингдек, 50 та “чўнтак” боғлари ва кичик яшил майдонлар пайдо бўлади;

■ аҳоли зич яшайдиган массивларида 10 та янги боғ ташкил этиш режалаштирилган;

■ шаҳар яшил майдонлари майдони яна 200 гектарга кўпайиши кутилмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, 2023 йилда Пекинда ўрмон қоплами 44,9 фоизга, кўкаламзорлаштириш даражаси эса 49,35 фоизга етади.

“Жамила”нинг кутилмаган доврўғидан кўп ўтмай Айтматов руҳида галаён уйғотган аёлни учратади. У – қирғиз санъати юлдузи, балерина Бибисора Бейшеналиевадир. Қизиқ, уларнинг қалби, қисмати ҳам муסיқада пайвандланган экан. Худди Жамила ва Дониёр каби. Уларнинг муҳаббати роппа-роса ўн тўрт йил – токим ўлим фариштаси ҳам Бибисорага мафтун бўлиб, уни ўз даргоҳига олиб кетгунига қадар давом этади.

АЙТМАТОВНИНГ ТАТЬЯНАСИ

Саида, Танабой, Илс, Олтиной, Эдигейнинг зиддиятларга тўла ва айни чоғда ёруғдан-ёруғ муҳаббатини афсонадек ҳикоя қилган Чингиз Айтматов Бибисоранинг мотамида ошкора бўзлайди. Аччиқ кўз ёшларини яширмайди. Бир замонлар “Жамила” баҳонасида ўзини ғийбат-маломатга кўмиб, ғайриликни ошкор қилган сўқирдиллар олдида мунофиқлик қилмайди. Чўчимайди... Қалби ланг очик инсон, ёзганлари амалига мувофиқ ижодкоргина шундай қилиши мумкин. Асл инсонлик шу – борича кўриниш.

У Танабой (“Алвидо, Гулсари!”) ва Эдигейнинг (“Асрни қаритган кун”) кечиккан муҳаббатида ҳам ўзининг тузалмас-битмас ўша изтиробларини муҳрлаган бўлса не ажаб? Шундайдики, Гулсарининг соҳибини ўтга солган аёлнинг исми Бибисорага уйқаш – Бибижон. Шундайдики, Эдигей кўнгил қўйган аёлнинг ўғли Бибисоранинг фарзанди Эрмак билан адаш...

Қизиқ, Айтматов аввал бошлаб “Жамила”да гўё ўз қисмати-ни башорат қилгандек. Негаким, адибнинг Бибисорага бўлган муҳаббати ҳам кечикиб келган каби эди... боахлоқ одамлар наздида хато каби эди. Негаким, ўзи ҳам Дониёр ва Жамила каби соф инсоний туйғулари учун ғаюрлар маломатига нишон бўлади. Фақат... Айтматов ва Бибисора ҳам ўша қахрамонлар каби нега тақдир ришталарини қонунан боғламадилар? Бу, албатта, кўпчиликни қизиқтиради. Ҳатто суйган кишиси билан турмуш қуриш оппа-осон туюлган бизнинг ХХI асрда ҳам ҳаммага муяссар бўлаётган иш эмас бу. Ўзини энг буюк ахлоқий ғоялар ҳимоячиси деб эълон қилган шўро муҳитида шахсий туйғуларга эрк бериш – Айтматов мавқеидаги одам учун ўзига кафан бичиш демак эди. Абдулла Орифнинг “Биринчи муҳаббатим” шеъри учун қандай маломатларга нишон бўлганини эслайлик. Шундай бўлса-да, Айтматов ҳамма ҳисоб-китобларни бир ёққа отганча, Бибисоранинг кўлини сўрайди. Аммо аёл ҳар гал ё гапни бошқа ёққа бурар, ё шошмасликни маъқул кўрарди. Нега? Наҳотки, у барча аёллар каби бахтга талпинмаса? Айтматов орадан йиллар ўтиб қозоқ шоири Мухтор Шохонов билан суҳбатда бир дунё ҳасрат ва надомат билан дейдики: “Кейинроқ англадим, Бибисора партиявий “ўртоқларим” ва

сафдош адибларнинг ҳужумидан мени асраш учун ўзини қурбон қилган экан”. Ҳа, худди шундай: ҳар бир киши ҳаёт драмаларига ўзича ечим излайди. Гоҳо ўзи учун энг баланд қадриятларни-да онгли равишда қурбонликка келтиради. Гоҳо адашади. Заминий ҳаётнинг азалий йўриғи шу.

Ҳа, “Жамила”даги исёнкорона рух ҳаёт ҳақиқати олдида ювош тортди. Тақдирнинг ҳазиллари кўпинча аччиқ бўлади. Буюк адибни илк бора, эҳтимол, ўша машҳур қиссанинг шов-шувви орқали таниган аёл Айтматовнинг Жамиласи бўлолмади. Татьяна каби у ҳам туғма инсопарварлик амри билан “...ўзгани ҳалок айлагувчи бахтнинг менга кераги йўқ!” (Достоевский. Пушкин ҳақида нутқ. 1880 йил 8 июнь), дея олди. “Жамила”дан кейин Айтматов асарларида бахтли муҳаббат мотиви деярли учрамайди.

Айтматов ўз асарларида туйғулари тоза, бир-биридан гўзал аёлларнинг хилма-хил образларини яратди. Ҳаётда олийжаноб фазилатларни ўзида мужассам эт-



ганларини ҳам кўп учратди, улар билан елкама-елка фаолият юритди. Тарих ва адабиёт саҳифаларида ҳам аёл деса дегудай аёллар қанча-қанча! Аммо адиб бир куни “У вас есть идеал женщины?” деган саволга “Джамиля!” деб жавоб беради. Бу жавобда Айтматовнинг буюк армони, изтироби муҳрланганини сезиш қийин эмас. Уни адибнинг бутун ҳаёт йўлини мушфиқ инсоний қалб ила, яхлит ҳолда хотирадан кечирибгина ҳис этмоқ мумкин.

Айтматовнинг қисмати ҳам, муҳаббати ҳам буюк Шекспир фожиаларидаги каби бетакрор ва ёркин, тозартирувчидир. У йигирманчи минг йилликда улкан империя худудиде яшаган биз



туркий халқлар ҳаётини, айнан бизга ўхшаган оддий одамлар турмушини бадий тарихга айлантирди.

Биз туркийларни оламга хушёр кўз билан боққан, эзгуликни ардоқлаб, зулмининг ҳар қандай кўринишига мурасиз бўлган олийжаноб халқ сифатида жаҳонга танитди. Бунинг учун, эҳтимол, биз ҳам; ажойиб асарлар учун эса дунё китобхонлари ҳам адибнинг музаси бўлмиш Бибисора Бейшеналиевадан миннатдор бўлишимиз керакдир?

Яна бир гап. Айтматов машинкада 146, кўлзмада яна 78 саҳифадан иборат “Сибизга ва Ер” (“Флейта и земля”) номли асар ҳам ёзган. Академик Абдулжон Акматалиев унинг “Алвидо, Гулсари!” билан “Оқ кема” оралиғида яратилганини тахмин қилади. 2013 йилда ўғли Аскарнинг уйидан топилган асар қарийб тугалланган, аммо тўла яқунланиб, нашр этилмаган. Ёзувчи уни яратганидан сўнг қарийб қирк йил яшаган, лекин шу йиллар мобайнида ўз ижоди ҳақида гапирганда ҳам хатто бирор марта “Сибизга ва Ер”ни тилга олмайди. Нега?

А.Акматалиев “Сибизга ва Ер” қахрамони Чўлпоннинг прототиби ўша машҳур Бейшеналиева бўлганидан келиб чиқиб тахмин қиладики, оғир хасталик туфайли аёл чеккан азоб-укубат, унинг бемаҳал ўлими Айтматовни чуқур қайғуга солган, юрагида тузалмас яра очган. Адиб асарни охирига етказиш, эълон қилиш тугул, номини тилга олишга ҳам ўзида руҳий куч топа олмаган.

Балки, шундайдир.

Ҳаёлга келадик... ва ёхуд ҳамиша мард ва иродали, ҳамиша ҳақиқатнинг юзига тик қараб келган адиб шу асар сабаб тошбағир кимсалар яна кўнгил мулкни талон-тарож этишини, севимли Бибисоранинг руҳини безовта қилиб, унинг ёруғ хотирасига доғ солишларини истамагандир, балки? Адиб ҳаётида юлдуздек чакнаган, лекин ўзининг осойиш бахтини унга қурбон қилган аёл ҳақи-хурмати учун юрак қонидан яралган асарини ўзича йўқликка ҳукм қилган, шу билан эзилган руҳига тасалли бергандир? Эҳтимол...

Нодира АҒОҚОВА,
шоира

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1210
Адади: 1015.

Пайшанба кунини чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани,
Новза кўчаси, 14-уй
Маълумот учун телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



Biznesni
Rivojlantirish
Banki

YANGI

2024

YILINGIZ MUBORAK
BO'LSIN!